

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD. 03/30.11.2021.Т.55.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЗУЛЯРОВА НИГОРА ШАРАФИДДИНОВА**

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИНИ БОЙИТИШ  
ЧИҚИНДИСИНИ ФОСФОР ВА АЗОТ-КАЛЬЦИЙЛИ ЎҒИТЛАРГА  
ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар  
технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Зулярова Нигора Шарафиддиновна**

Марказий Қизилқум фосфоритларини бойитиш чиқиндисини  
фосфор ва азот-кальцийли ўғитларга қайта ишлаш технологиясини  
ишлаб чиқиш..... 3

**Зулярова Нигора Шарафиддиновна**

Разработка технологии переработки отхода обогащения  
фосфоритов Центральных Кызылкумов на фосфорные и азотно-  
кальциевые удобрения..... 22

**Zulyarova Nigora Sharafiddinovna**

Development of waste processing technology from the enrichment of  
phosphorites from the Central Kyzylkum desert into phosphorus and  
nitrogen-calcium fertilize..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Г2607 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида bajarилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iopx.uz](http://www.iopx.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бобокулова Ойгул Соатовна</b> техника фанлари фалсафа доктори, доцент
<b>Расмий оponentлар:</b>	<b>Султонов Боходир Элбекович</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Аташев Элёр Аташевич</b> техника фанлари фалсафа доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган муҳандислик технологиялар институти</b>

Диссертация ҳимояси Урганч Давлат Университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.11.2021.Т.55.06 рақамли Илмий кенгашнинг " " 2024 йил соат " " даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16; [www.urdu.uz](http://www.urdu.uz), e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz)).

Диссертация билан Урганч Давлат Университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_ - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси 14. Тел.: (99862) 224-65-16

Диссертация автореферати 2024 йил " " куни тарқатилди.  
(2024 йил " " даги \_ -рақамли реестр баённомаси).



**Жуманиязов М.Ж.**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор  
**Антова Ш.К.**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.ф.д (PhD)  
**Курамбаев Ш.Р.**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

### **Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати**

Дунё аҳолиси 8 миллиард кишидан ошиб, экин майдонлари ва чучук сув захираларининг қисқариши, тупроқнинг шўрланиши озик-овқат билан таъминлаш муаммосини янада кескинлаштиради. Минерал ўғитлар қишлоқ хўжалиги ривожланишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Республикамиз кимё саноати агросаноат мажмуасининг азотли ва калийли ўғитларга бўлган эҳтиёжини етарли даражада қаноатлантиради, бироқ фосфорли ўғитлар ҳақида бундай деб бўлмайди. Республикамизнинг фосфорли ўғитларга бўлган эҳтиёжи зарур бўлган 800 минг тоннадан ортиқ  $P_2O_5$  нинг 30-35% ни қондиради. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган барча турдаги минерал ўғитлардан оддий ва бойитилган суперфосфатлар, нитрокальций фосфатли ўғитлар таркибида кальций бўлиб, у макрозуқа элементи ҳисобланади ва тупроқ шўрланишини камайтиришга ёрдам беради. Буларнинг барчаси таркибида фосфор ва кальций бўлган ўғитлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш заруратини кўрсатади.

Бутун дунёда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш бой фосфат хомашёсидан фойдаланишга асосланган. Бой конлардан жадал фойдаланиш уларнинг кескин камайишига олиб келади. Шу боис бутун дунёда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга нисбатан мавжуд камбағал хомашёлар, масалан Марказий Қизилқум фосфоритларини қамраб олиш йўллари изланмоқда.

Марказий Қизилқум фосфоритлари фосфорнинг камлиги (16,2%  $P_2O_5$ ) ва кальций модулининг юқорилиги (2,85-3,50) билан тавсифланади. Бундан ташқари, бундай хомашёни бойитиш жараёнида минераллашган масса (ММ) ва бошқа қайта ишланмайдиган бойитиш чиқиндилари ҳосил бўлади. Қизилқум фосфорит комбинатида таркибида ўртача 13,75%  $P_2O_5$  бўлган 14 миллион тоннадан ортиқ ММ тўпланган. Бу тахминан 1,56-1,82 минг тонна  $P_2O_5$  ни ташкил қилади. Бу мамлакатимизнинг фосфорли ўғитларга бўлган икки йиллик эҳтиёжи ҳисобланади. Бундан ташқари, фосфорит уни тарзидаги қазиб олинмайдиган руда ҳам олдиндан бойитилмасдан фойдаланилмайди. Нитрат кислотали парчалаш бошқа кислоталарга қараганда фосфат хомашёсини қайта ишлашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бойитилмаган фосфат хомашёси (БФХ) ва ММ ни нитрат кислота билан парчалаш бошқа кислоталарга нисбатан уларни қайта ишлашнинг энг тежамли усули ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқаришига БФХ ва ММни қамраб олиш учун бир қатор йўналишларда илмий ечимларни асослаш керак: БФХ ва ММ ни нитрат кислота билан парчалаш маҳсулотлари суюқ ва қаттиқ фазаларини ажратишнинг самарали усулини ишлаб чиқиш, аммонийланиш даражасининг нитрат кислота экстракти компонентлари таркибий қисмларининг ўзгаришига таъсири, БФХ ва ММни қайта ишлашнинг тежамкор, чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқиш, БФХ ва ММ ни парчалаш маҳсулотлари суюқ ва қаттиқ фазаларини турли хил суюқ ва қаттиқ тарздаги ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикада аниқ кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Марказий Қизилқумнинг фосфоритларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ва агросаноат мажмуасини фосфорли ўғитлар билан таъминлаш бўйича илмий изланишларда юксак натижаларга эришилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги стратегиясининг учинчи йўналишида “...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, ялпи ишлаб чиқаришда саноатнинг улушини ошириш, маҳаллий маҳсулот ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.....”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, турли турдаги суюқ ва донатор азотли ва фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш учун БФХ ва ММни қайта ишлашнинг оқилона, тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сонли “Кимё саноатини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги, 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори кўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4992-сонли қарорлари, шунингдек, бошқа меъёрий ҳужжатларда мазкур соҳада белгиланган вазифаларни бажаришга маълум даражада хизмат қилмоқда.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот иши Республикада фан ва техникани ривожлантиришнинг VII устувор йўналиши – “Кимёвий технология ва нанотехнология” га мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техникавий ва патент адабиётларида фосфат хомашёси ва уларни нитрат кислота парчалаш йўли билан бойитиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда фосфорли ҳар хил турдаги ўғитлар олиш ишлари ва усуллари кенг ёритилган. Фосфат хомашёсини нитрат кислота билан қайта ишлашнинг назарий асослари ва технологияларини ишлаб чиқиш билан С.И.Вольфкович, М.Э.Позин, Б.А.Копилев, Б.А.Дмитревский, республика олимларидан М.Н.Набиев, Ф.М.Мирзаев, А.М.Беглов, А.М.Амирова, Ш.С.Намозов, А.У.Эркаев, С.М. Тожиев, Х.Ч.Мирзақулов, А.М.Реймов, А.Р.Сейтназаров, И.Т.Шамшидинов, Б.Э.Султонов, З.К.Дехканов, Д.Ш.Шерқузиёв, И.И.Усмонов ва бошқа кўплаб олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони

Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислота билан қайта ишлаш учун жаҳон амалиётида мавжуд бўлган ишланмалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки мазкур хомашё таркиби ва ундаги аралашмалар миқдори жиҳатидан жуда катта фарқ қилади. Нитрат кислотали усул паст навли фосфат хомашёсидан фойдаланишга имкон беради. Бирок, фосфоритлар асосидаги нитрат кислотали бўтқа қийин ажралади. Ишлаб чиқилган турли хил технологик схемалар  $P_2O_5$  га бой хомашёлардан фойдаланиш учун мўлжалланган. “Самарқандкимё” АЖда нитрокальций фосфатли ўғит ишлаб чиқариш технологияси бундан мустасно. Аммо бу технология ҳам мукамал эмас ва кўшимча тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади, чунки ҳосил бўладиган кальций нитрат ўғитнинг физик-кимёвий ва маҳсулот хусусиятларига салбий таъсир қилади.

Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун Марказий Қизилқум фосфоритлари асосидаги нитрат кислотали бўтқанинг суюқ ва каттик фазаларини ажратиш долзарб муаммо ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот режаси, 2023-2025 йилларда “Марказий Қизилқум фосфоритини бойитишнинг техноген чиқиндиларини қайта ишлаш асосида шўрланган тупроқлар учун суюқ азот-кальцийли ўғитларнинг технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси (Наманган муҳандислик-технология институти) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бойитилмаган фосфат хомашёси (фосфорит уни) ва Марказий Қизилқум фосфоритларини бойитиш чиқиндиси – минераллашган массани шўрланган тупроқлар учун суюқ ва азотли-кальцийли донадор ўғитларга ҳамда секин таъсир этувчи фосфорли ўғитларга қайта ишлашнинг иқтисодий самарадор, чиқиндисиз технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бойитилмаган фосфат хомашёси ва минераллашган массанинг нитрат кислота билан стехиометрик жиҳатдан меъёрдан ошган ҳолда парчаланиш жараёнини ўрганиш;

БФХ ва ММ парчаланиш маҳсулотларини нитрат кислота билан аммонийлашнинг чўктириш ва филтрлаш жараёнларига таъсирини ўрганиш; аммонийланиш даражасининг суюқ ва каттик фазаларнинг кимёвий таркибига таъсирини аниқлаш;

суюқ фазани суюқ ва донадор азотли-кальцийли ўғитларга қайта ишлаш жараёнини ўрганиш;

каттик фазани ҳар хил турдаги фосфорли ўғитларга қайта ишлаш жараёнини ўрганиш;

БФХ ва ММ ни суюқ ва донадор азот-кальций ва секин таъсир қилувчи фосфорли ўғитларга қайта ишлашнинг технологик схемасини, моддий оқим схемасини ва материал балансини ишлаб чиқиш;

БФХ ва ММ ларни суюқ азот-кальцийли ва секин таъсир қилувчи фосфорли ўғитларга қайта ишлаш самарадорлигининг техник-иқтисодий ҳисобларини амалга ошириш;

БФХ ва ММни қайта ишлаб, суюқ азот-кальцийли ва секин таъсир қилувчи фосфорли ўғитларга қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқилган технологияни sanoat шароитида синовдан ўтказиш;

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб бойитилмаган фосфатли хом-ашё, минераллашган масса, нитрат кислота, аммиак газ, ЭФК, суюқ ва донадор азот-кальцийли ва фосфорли ўғитлар.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, паст навли фосфоритлар ва фосфоритларни бойитиш чиқиндиларини суюқ ва донадор азот-кальций ва фосфорли ўғитларга қайта ишлаш технологиялари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда рентгенографик, ИҚ-спектроскопия, сканерловчи электрон микроскопик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислота билан бойитиш натижасида ҳосил бўладиган чиқинди – минераллашган массани парчалаш жараёни кинетик тавсифлари аниқланди ҳамда бунда жараённинг фаолланиш энергияси 4,68 кЖ/мол ни ташкил этиши ва бу БФХнинг қиймати билан бир хиллиги, шунингдек улар ММ қаторида  $БФХ \leq МСК \leq МОФС$  энг кичиги эканлиги кўрсатиб ўтилган;

биринчи марта нитрат кислотали бўтқани газ ҳолатидаги аммиак билан рН 5-7 га қадар аммонийлаш орқали ММ ва БФХни нитрат кислотасида парчалаш маҳсулотларини суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш ҳамда бунда бирданига икки турдаги – суюқ азот-кальцийли ва секин таъсир этувчи фосфорли минерал ўғитлар олиш мумкинлиги аниқланган;

ММ ва БФХ ни нитрат кислотаси билан парчалашнинг аммонийланган бўтқаси суюқ фазасини яхшиланган физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган кальций нитрат ва аммиакли селитрага муқобил бўлган аммиакли-кальцийли селитрага қайта ишлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган;

Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритлари ва уларни бойитиш чиқиндиларини  $P_2O_5$  миқдори катта ва секин таъсир этувчи фосфор шакллари бўлган турли хилдаги фосфорли ўғитларга қайта ишлашнинг чиқиндисиз, иқтисодий самарадор усуллари таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба МҚ фосфоритларини нитрат кислотаси билан парчалаш маҳсулотларини ажратиш ҳамда бир пайтнинг ўзида битта технологик циклда икки турдаги ўғитлар – суюқ азот-кальцийли, секин таъсир этувчи ўғитли преципитат ва озуқавий тозаликдаги дикальцийфосфат олишнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланди;

ММ ва БФХни нитрат кислотаси билан парчалашнинг аммонийланган бўтқаси суюқ фазасини яхшиланган физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган донадор кальций нитратга, аммиакли селитрага муқобил, ёнғин ва портлаш

ҳавфи бўлмаган аммиакли-кальцийли селитрага қайта ишлашнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланди;

тозаланган ЭФК олиш орқали аммонийланган бўтқа қаттиқ фазасини утилизациялаш ҳамда унинг асосида олий навдаги аммофос, секин таъсир этувчи фосфор шакли бўлган аммофосфат ва  $P_2O_5$  миқдори катта бўлган бойитилган суперфосфат олишнинг мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланди;

ММ ва БФХни суяқ азот-кальцийли ўғит, ўғитли преципитат, озуқавий тозаликкача тозаланган дикальцийфосфатга қайта ишлашнинг технологик схемалари, моддий оқим схемалари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Кимёвий, физикавий ва кимёвий таҳлиллар натижалари экспериментал ва тажриба-саноат шароитида тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, у паст навли МК фосфоритлари ва уларни бойитиш чиқиндиларини саноат иқтисодиёти учун муҳим бўлган минерал ўғитлар – шўрланган ва кам шўрланган ерлар учун самарали суяқ азот-кальцийли ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида илмий асос яратди.

амалий аҳамияти паст навли МК фосфоритлари ва уларни нитрат кислота билан бойитиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларни қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқишда, аммиакланган бўтқани битта технологик циклда икки турдаги минерал ўғитларга ажратишнинг оптимал технологик параметрларини аниқлашдадир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паст навли фосфоритларни ва уларни нитрат кислота парчалаш орқали бойитиш чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий маълумотларга асосланиб:

ММ ва БФХни қайта ишлаш технологияси “Электрокимё завод” ҚК-АЖ томонидан экспериментал шароитда синовдан ўтказилди ва “Электрокимё завод” ҚК-АЖ нинг истиқболли, жорий қилинган ишланмалари рўйхатига киритилган (Электрокимё завод ҚК-АЖнинг 2023 йил 16 августдаги 147-сонли маълумотномаси). Натижада БФХ ва ММ ни бир технологик циклда шўрланган тупроқларга самарали таъсир этувчи суяқ азотли-кальцийли ва секин таъсир этувчи фосфорли ўғитларга айлантириш имконияти яратилди.

Аммонийланган суяқ фазани - суяқ азот-кальций ўғитини донадор маҳсулотга қайта ишлаш технологияси "Аммофос-Максам" АЖ томонидан саноат шароитида синовдан ўтказилди. Натижада шўрланган ва озгина шўрланган тупроқлар учун яхшиланган физик-кимёвий ва маҳсулот хусусиятларига эга донадор кальций нитратини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мумкин бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган маҳаллий журналларда 2 та, хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Бирламчи фосфорли, суюқ ва донадор азот-кальцийли ўғитларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида кальцийнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, суюқ азот-кальцийли ва бирламчи фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришга бўлган талаб ва кўламига, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш усулларига оид адабий манбалар таҳлили берилган. Фосфоритларни нитрат кислота билан парчалаш йўли билан минерал ўғитлар ишлаб чиқариш хронологиясини чуқур, танқидий таҳлил қилиш, нашр этилган материаллар асосида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертация ишининг **“Тадқиқот объектлари ва усуллари”** мавзудаги II боби дастлабки хом ашёнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ва кимёвий таҳлиллар ҳамда физик-кимёвий тадқиқотлар усулларига бағишланган.

Диссертациянинг III боби **“Марказий Қизилқумнинг бойитилмаган фосфатли хом-ашёси ва минераллашган массани нитрат кислота ёрдамида парчаланишини ўрганиш”** минераллашган масса (ММ) ва нитрат кислота билан бойитилмаган фосфат хомашёси (БФХ, фосун) асосида нитрат кислота пулпасини олишнинг оптимал технологик кўрсаткичларини белгилашга бағишланган. ММ дан фойдаланиш ва унинг хоссалари ҳақидаги маълумотлар жуда чекланган. Ушбу маълумотларни тўлдириш учун БФХ ва ММ композициялари бўйича адабиёт маълумотлари батафсил таҳлил қилинди. Аниқланишича, фосфорит унининг таркиби қуйидагича 16,44-18,78%  $P_2O_5$ , 45,76-48,62%  $CaO$ , 1,00-1,82%  $MgO$ , 0,78-2,47  $Fe_2O_3$ , 1,10-2,85%  $Al_2O_3$ , 3,02-17,55%  $CO_2$ , 1,70-2,17%  $F$  ва 2,51-2,93 кальцийли модулга эга. Минераллашган масса таркиби (масс. %): 11,73-14,71%  $P_2O_5$ , 40,80-43,99%  $CaO$ , 0,53-1,44%  $MgO$ , 0,53-1,44%  $Fe_2O_3$ , 1,04-1,37%  $Al_2O_3$ , 12,84-19,20%  $CO_2$ , 1,30-1,91  $F$  ва 2,78-3,34 ва 2,78-3,34 кальцийли модулдан ташкил топган.

Тадқиқот учун қуйидагича таркибга эга бўлган БФХ дан фойдаланилди (масс. %):  $P_2O_5$ -16,97;  $CaO$  – 47,02;  $MgO$  – 1,48;  $Fe_2O_3$  – 1,28;  $Al_2O_3$ - 1,21;  $CO_2$  – 15,44;  $SO_3$  – 1,95;  $F$ - 1,92 3,17. в.б. – 6,99,  $H_2O$  – 0,90 ва ММ tarkibi (mass. %):  $P_2O_5$ -12,86;  $CaO$  – 42,80;  $MgO$  – 0,80;  $Fe_2O_3$  – 1,37;  $Al_2O_3$ - 1,17;  $CO_2$  – 12,81;  $SO_3$  – 2,00;  $F$ - 1,85 кальцийли модул билан 3,17; в.б. – 11,89,  $H_2O$  – 0,89. ММ нинг фракцион кимёвий таҳлили шуни кўрсатдики, асосий фракциялар +7 мм ва -2 мм, жами 74,72% ни ташкил қилади.  $P_2O_5$  таркиби +7 мм фракция учун 14,33% дан -2 - +1 мм фракция учун 11,55% гача камаяди ва -1 мм фракцияда ортади.  $P_2O_5$  нинг максимал миқдори +7 мм ва -1 мм фракцияларда мавжуд.  $CaO$  нинг ўртача миқдори 40-43% ни ташкил қилади.

Истиснолар -7 - +5 мм ва 1 - +0,5 мм фракциялардир, бу эрда минимал СаО миқдори мос равишда 36,79% ва 36,90% ни ташкил қилади. Максимал СаО миқдори -0,5 мм фракцияда кузатилади, бу 48,15% ни ташкил қилади. СО<sub>2</sub> нинг максимал миқдори -0,5 мм фракцияларда кузатилади ва 16,31% ни ташкил қилади.

### 1-жадвал


#### Минераллашган массанинг фракцион кимёвий таркиби

№	ММнинг фракцион таркиби	Фракция таркиби, %	Кимёвий таркиби, масс, %		
			P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	СаО	СО <sub>2</sub>
1	+7	21,99	14,33	41,84	10,68
2	-7÷+5	6,86	13,65	36,90	13,99
3	-5÷+4	4,91	9,42	40,29	9,37
4	-4÷+3	6,42	11,08	41,38	11,06
5	-3÷+2	7,09	11,61	43,96	11,57
6	-2÷+1	13,58	11,55	43,40	11,56
7	-1÷+0.5	12,73	13,24	36,79	13,28
8	-0.5÷0	26,42	16,33	48,15	16,31

ММ нинг 40% нитрат кислота билан парчаланишининг кинетик тадқиқотлари 105% кислота тезлигида ва 40, 50 ва 60 ° С ҳароратда , доимий аралаштириш тезлигида амалга оширилди. Олинган натижалар 1-расмда кўрсатилган.


Бундай шароитларда СаО нинг экстракцияси даражаси P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> дан паст бўлади ва 97,41-98,13% ни ташкил қилади, бу ММ таркибида калций сульфат мавжудлиги билан изоҳланади. Ҳароратнинг ошиши К<sub>парч</sub> нинг ортишига олиб келади.

Бунда реакция тезлиги ўртача константаси 313, 323 ва 333 К ҳароратлар учун мос равишда 0,959001 дан 1,025388; 1,374701гача ортади.



1-расм. P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> экстракциясида жараён давомийлигига ҳароратнинг таъсири

$\lg(1/1-K_{\text{парч}})$  нинг  $\tau$  га боғлиқлигининг тўғри чизиқли табиати парчаланаш жараёнининг биринчи тартибдаги тенгламаси бўйича кетишини билдиради. Реакция тезлиги константасининг ҳароратга боғлиқлиги Аррениус (2-расм) тенгламасига бўйсунди.



**2-расм. lgK ни 1/T га боғлиқлиги**

Реакция тезлиги константаларининг белгиланган қийматларига асосланиб, жараённинг фаолланиш энергияси  $E_a$  аниқланди. Тахминий активланиш энергиясининг қиймати  $E_a$  1,66 ккал/мол ёки 6,97 кЖ/мол га тенг (2-жадвал). Бу БФХ (4,56 кЖ/мол) билан бир хил. Олинган маълумотлар нафақат БФХнинг, балки Марказий Қизилқумнинг ММ фосфоритларининг ҳам реакцияга киришиш қобилиятини юқори эканлигини кўрсатади.

**2-жадвал**

**Активланиш энергиясининг ҳароратга боғлиқлиги**

T, K	1/T·10 <sup>-3</sup>	Активланиш энергиясининг ҳароратга боғлиқлиги		Активланиш энергиясининг ўртача қиймати	
		$E_a$ , ккал/мол	$E_a$ , кЖ/мол	$E_a$ .ўрт., ккал/мол	$E_a$ .ўрт., кЖ/мол
313	3,2	1,66	6,97	4,68	19,56
323	3,1				
323	3,1	7,71	32,23		
333	3,0				

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнига БФХ ва ММдан фойдаланиш учун нитрат кислотанинг юқори концентрасияларида уларнинг парчаланаш жараёнлари ўрганилди. БФХ ва ММ нинг 40% ли нитрат кислота билан парчаланшига стехиометрия меъёрларига кўра 100% дан 150% гача бўлганда фосфоритларнинг нитрат кислота ёрдамида парчаланши учун белгиланган оптимал жараён параметрлари ўрганилди. Олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

**БФХ ва ММдан иборат нитрат кислотали пулпанинг кимёвий таркибига 40% ли нитрат кислота меъерининг таъсири**

№	HNO <sub>3</sub> %	Кимёвий таркиби, масс. %			
		P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	CaO	R <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Ca (NO <sub>3</sub> ) <sub>2</sub>
<b>БФХ</b>					
1	100	6,95	20,58	1,01	60,27
2	105	6,64	19,87	0,97	58,19
3	110	6,34	19,20	0,92	56,23
4	125	5,50	17,35	0,81	50,81
5	150	4,57	14,46	0,68	42,34
<b>ММ</b>					
6	100	4,76	15,63	0,95	45,77
7	105	4,66	15,27	0,93	44,72
8	110	4,56	14,92	0,91	43,69
9	125	4,27	13,89	0,85	40,68
10	150	3,56	11,57	0,71	33,88

Жадвалдан кўриниб турибдики, 40% нитрат кислота нормасининг ошиши билан фосфат хом ашёсининг асосий таркибий қисмларининг таркиби камаяди. Шундай қилиб, БФХнинг парчаланиши вақтида P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> миқдори таркиби 6,95% дан 100% стехиометрия меъёрида 150% да эса 4,57% гача, CaO миқдори 20,58% дан 14,46% гача, R<sub>2</sub>O<sub>3</sub> 1,01% дан 0,68% га камаяди.

Бу ҳолат ММ нинг парчаланиш жараёнида ҳам кузатилади. P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>нинг миқдори 4,76% дан 3,56% гача, CaO 15,63% дан 11,57% гача ва R<sub>2</sub>O<sub>3</sub> 0,95% дан 0,71% гача ўзгаради.

Нитрат кислотанинг меъёрини ошиши ҳам калций нитрат таркибининг пасайишига олиб келади. Кислота меъерининг ортиши пулпадаги кальций нитратнинг миқдори пулпада 100% да 60,27% дан 42,34% гача камаяди, шунингдек кислотанинг меъёри 150% лигида БФХ нинг ва ММ нинг парчаланишида 45,77% дан 33,88% га камаяди.

Натижалар шуни кўрсатдики, нитрат кислота меъеридан қатъи назар, ҳосил бўлган қуйқа амалда ажралмайди ва филтрланмайди у ҳолда филтр сифатида “кўк лента” филтр қоғозидан фойдаланилганда рН 6,5-7 да пулпа учун филтрлаш тезлиги 514 кг/м<sup>2</sup>соатни, филтрат учун 348 кг/м<sup>2</sup>соатни ни ва куруқ қолдиқ 152 кг/м<sup>2</sup>соатни ташкил қилади. Филтр сифатида саноат филтри матосидан фойдаланганда пулпа, филтрат ва куруқ қолдиқ учун филтрлаш тезлиги кескин ошади ва матога қараб пулпа учун 1200-1500 кг/м<sup>2</sup>соатга етади.

ММ парчаланиши учун стехиометрик жиҳатдан 105% нитрат кислота олинган аммонийланган қуйқани ажратиш ва қуйқани рН 6,5-7 гача аммонийлаш натижасида калций нитрат эритмаси ва ўғит чўкмаси бўлган филтрат олинди.

Суюқ фазанинг кимёвий таҳлили кислотали филтратда 4,08%  $P_2O_5$  мавжудлигини ва рН 5-7 да эса йўқлигини кўрсатди. СаО миқдори рН 3; 5,2 ва 7,2 да мос равишда 12,52% дан 9,12%, 8,65% ва 7,26% гача камаяди.

Нитрат кислота пулпасидан олинган ва рН 3; 5,2 ва 7,2 гача нейтралланган қаттиқ фазанинг кимёвий таҳлили ювиш ва қуритишдан кейин  $P_2O_5$  ва СаО нинг таркиби 4-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, пулпа рН нинг ортиши билан қаттиқ фазадаги  $P_2O_5$  миқдори ортади ва рН 3 да 19,95%, рН 5,2 да 2,23% ни ва рН 7,2 да 21,29% ташкил қилади.

#### 4-жадвал

#### Аммонийлашдан кейинги қаттиқ фазанинг кимёвий таркиби

№	рН	Кимёвий таркиб, масс. %				$P_2O_5$ ўзлаш.	$CaO$ ўзлаш.
		$P_2O_5$ умум.	$CaO$ умум.	$P_2O_5$ ўзлаш.	$CaO$ ўзлаш.	$P_2O_5$ умум. %	$CaO$ умум. %
1	3	19,95	32,12	14,13	23,88	70,83	74,34
2	5,2	20,23	33,65	13,91	30,21	68,74	89,78
3	7,2	21,29	34,26	15,56	31,42	73,08	91,71


Ушбу кўрсаткичларда СаО миқдори рН 3; 5,2 ва 7,2 учун мос равишда 32,12%, 33,65% ва 34,26% ни ташкил қилади. Шунга кўра, қаттиқ фазада  $P_2O_5$  ва СаО нинг ютиладиган шакллари нинг улуши ҳам ортади. Бу чўкиндидаги рН ортиши билан дигидрат дикальцийфосфат миқдори ортиб боришини кўрсатади.

Кимёвий таҳлиллар натижаларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун суюқ ва қаттиқ фазаларнинг элементар таҳлили ўтказилди, унда суюқ фазада 105000 ppm калций, 18100 ppm фосфор, 4580 ppm алюминий, 797 ppm темир борлиги аниқланди. Бошқа элементларнинг мавжудлиги аҳамиятга эга эмас.  $P_2O_5$  ва СаО бўйича таҳлил натижалари 5-жадвалда кўрсатилган.


Кислотали пулпанинг қаттиқ фазасининг рентгенограммасида калцийдигидросульфат, калцийкремнефторид, табиий кварц, кальций фторфосфатларга хос эримайдиган қолдиқларга тегишли пиклар мавжуд (3-расм). рН 7,2 да олинган қаттиқ фаза рентгенограммасида юқорида келтирилган бирикмалардан ташқари калций фторид, темир ва алюминий дигидрат фосфатлар, кремний оксид ва калций гидрофосфатлар мавжуд, аммонийлаш жараёнида қатор реакцияларнинг бориши асосан нитрат кислотали пулпанинг филтрлаш жараёнини яхшилайдиган дикальцийфосфат дигидратни кўрсатади (4-расм).

**P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва СаО бўйича кислотали ва аммонийланган суюқ фазанинг  
элементар таҳлил маълумотлари**

№	Компонент	Кимёвий таркиби, масс. %			
		Даствлабки	pH 3	pH 5,2	pH 7,2
1.	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	4,15	0,28	0,40	0,055
2.	СаО	14,7	10,5	10,8	8,43



**3-расм. Кислотали пулпадан ажратилган қаттиқ фаза рентгенограммаси**



**4-расм. pH 7,2 да қаттиқ фаза рентгенограммаси**

Кислотали фазадаги P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> ва СаО нинг кимёвий таҳлил натижалари усқунанинг натижалари билан мос келди.

Тўртинчи боб **“Нитрат кислота қуйқасини аммонийланиш маҳсулотларининг суюқ ва қаттиқ фазаларини қайта ишлаш жараёнларини ўрганиш”** БФХ ва ММ ни нитрат кислота билан қайта ишлаш ва парчаланиш маҳсулотларини аммонийлаб азотли ва фосфорли ўғитларга ажратиш қайта ишлаш технологик тадқиқотларга бағишланган.

ММ ва НФС ни нитрат кислота билан парчалаш жараёнининг кимёвий ва технологик тадқиқотлари суюқ азот-калций ўғитлари ва преципитат ўғитини ишлаб чиқариш билан қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқишга имкон берди (5-расм). Технологик жараён қуйидаги босқичлардан иборат:

- форреакторда 57% ли нитрат кислота билан ММ ёки БФХ декаרבонизацияси;


- сув ва 57% нитрат кислотанинг қолган қисмини жами 40% нитрат кислота ҳосил қилиш билан киритиш;
- ММ ёки БФХ нинг 40% нитрат кислота билан қўшимча парчаланиши;
- нитрат кислота пулпасини аммиак газини билан нейтраллаш;
- аммонийланган нитрат кислотали қуюқани сууюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш;

ММ ва БФХ ни нитрат кислота билан парчалаш технологиясининг иккинчи тури сууюқ азот-калцийли ўғитлар ва халал қилувчи қўшимчалардан тозаланган чўкма олишдан иборат бўлиб, қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- форреакторда 57% ли нитрат кислота билан ММ ёки БФХ декарбонизацияси;
- сув ва 57% нитрат кислотанинг қолган қисмини жами 40% нитрат кислота ҳосил қилиш билан киритиш;
- ММ ёки БФХ нинг 40% нитрат кислота билан қўшимча парчаланиши;
- нитрат кислота пулпасини аммиак газини билан рН 2,5-3 гача нейтраллаш;
- аммонийланган нитрат кислотали қуюқани сууюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш;
- сууюқ фазани газсимон аммиак билан рН 6.5-7гача қўшимча аммонийлаш;
- аммонийланган қуюқани сууюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш;
- чўкиндини ювиш ва қуритиш;

Икки турда ҳам сууюқ фаза сууюқ азот-калций ўғитлар (САКЎ) бўлиб, улар гранулаланган калций нитрат ва аммоний калций селитрасига айлантирилиши мумкин.

Қаттиқ фаза - преципитат ўғитини десульфатланган ЭФК олишда, концентранган фосфор ва мураккаб азот-фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин.



**5-расм. САКЎ ва преципитат ўғитини ишлаб чиқариш билан ММни қайта ишлашнинг асосий технологик схемаси**

Кўшимчалардан тозаланган преципитат оксидларини, калций фторидни, кремний оксидни ёки тозаланган дикалцийфосфат олиш ва нитрат кислотали қуйқани нейтраллаш 2 босқичда амалга оширилди. Биринчи босқичда қуйқа рН 2,5-3 гача аммонийланган, центрифугалаш орқали суюқ фазага ва фосфатли қуюқкага ажратилган. Фосфат шлакини фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Суюқ фаза рН 6,5-7 гача аммонизация қилинди ва тайёр ўғит – САКЎ олинди. Бунда қаттиқ фазада озукавий даражагача тозаланган дикалцийфосфат мавжуд.

САКЎ ва ўғит ишлаб чиқариш технологик схемаси, БФХ ва ММ ни нитрат кислота билан қайта ишлаш ва ҳар хил турдаги азотли ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришнинг блок-схемаси таклиф қилинган.

рН 6,5-7 бўлган суюқ фаза суюқ азотли калцийли ўғит бўлиб, аммоний калций нитрат (АКН), гранулаланган калций нитрат (ГКН) га қайта ишланиши мумкин.

Қаттиқ фаза преципитат ўғитини бўлиб, уларни қўллаш орқали сульфатсизланган ЭФК, аммофос, аммофосфат, шунингдек монодикалцийфосфат ва бошқа секин эрувчан хусусиятга эга фосфор тутган фосфорли ўғитлар олиш мумкин.

БФХ ва ММ ни нитрат кислота билан парчаланишидан САКЎ, ўғит пресипитати, дикальций фосфат ишлаб чиқариш учун материал оқимлари ва материал баланслари схемалари келтирилган.

Ҳосил бўлган САКЎ да азот миқдори кам бўлганлиги сабабли узоқ масофаларга ташишда самарали эмас ва мавсумий ўғит ҳисобланади. Ҳосил бўлган САКЎ да азот миқдори кам бўлганлиги сабабли узоқ масофаларга ташишда самарали эмас ва мавсумий ўғит ҳисобланади. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун улардан гранулаланган калций нитратини олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди, бу тажриба ускунаси иситиш мосламаси бўлган реактор, насос ва диаметри 0,8 м бўлган барабан-гранулятор-қуритгич (БГҚ) аппаратидан иборат бўлган узунлиги 3 м, қиялик бурчаги 3°С ва соатига 50 кг маҳсулот унумдорлик билан ишлайди. Калций нитрат эритмаси сифатида биз ММ нинг 40% ли нитрат кислота билан стехиометрик 105% ли парчаланиши натижасида олинган, рН 6,5-7 ва зичлиги 1,55 - 1,65 г/см<sup>3</sup> гача аммонийланган САКЎ дан фойдаланилган.

САКЎ эритмаси реакторда намлиги 15-20% гача буғланади, эритманинг оғирлиги бўйича 5-7% ММ кристалланиш маркази сифатида киритилади, аралаштирилади ва насос ёрдамда БГҚ аппаратининг пневматик форсункасига юборилади. Ёстиқ сифатида нитроаммофоснинг майда фракциясидан фойдаланилган.

БГҚ аппаратининг ишлаши учун оптимал технологик параметрлар ўрнатилди: кириш жойидаги чиқинди газларининг ҳарорати 350-400°С, чиқиш жойида 110-115°С, маҳсулот қатламидаги ҳарорат 105-110°С эканлигини кўриш мумкин.

350°С дан паст ҳароратларда маҳсулот намликни ўз ичига олади ва катта бўлақларга тўпланади ва БГҚ деворларига ёпишади.

Газнинг кириш қисмида ҳарорати 350-400°C бўлиб, жараён ҳеч қандай қийинчиликсиз, самарали давом этади. Натижада, 2-4 мм ўлчамдаги гранулалар ҳосил бўлади, уларнинг нисбати 95% дан ошади. Кичик (2 мм дан кам) фракциянинг улуши 4% дан ошмайди.

"Аммофос-Максам" ОАЖда саноат шароитида суяқ азот-калций ўғитларини гранулалаш босқичининг саноат синовлари ўтказилди.

Калций нитрат эритмасини тайёрлаш учун оҳактош ишлатилган (масс. %): CaO - 47,5; MgO-0,9; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> - 1,0; CO<sub>2</sub> - 38,3; н.о. - 7,3; н.о. - 5,0 ва 99,0% ли HNO<sub>3</sub>.

Калций нитрат пулпасини тайёрлаш ЭФК-4 цехининг экстракторида амалга оширилди. 90 тонна оҳактош 200 тонна сувда пулпаланган ва 110 тонна азот кислотаси билан парчаланган. Олинган пулпа таркибида: 32,5% Ca(NO<sub>3</sub>)<sub>2</sub>, 11,1% CaO, 0,5% эркин нитрат кислота, рН - 2,1, эритма зичлиги 1,31 г/см<sup>3</sup>, пулпа зичлиги 1,32 г/см<sup>3</sup> тенг эканлигини кўриш мумкин. Олинган пулпа юқори тезликда ишлайдиган аммонизатор-буғлантирувчида (ТАБ) аммиак гази билан зарарсизлантирилди. Калций нитрат эритмаси ва аммиакнинг оқим тезлиги нисбатини тартибга солиш ТАБ аппаратида аммиак етказиб беришни ўзгартириш ва пулпанинг рН қийматини ўзгартириш орқали амалга оширилди. Пулпа рН = 6,8 га қадар нейтраллаштирилди ва калций нитратининг хусусиятларини яхшилаш, оптимал грануляция ва қуриштириш шароитларини таъминлаш учун инерт ташувчи - кристалланиш маркази сифатида пулпа ичига 10 тонна оҳактош киритилди. 33,5% калций нитрат, 11,8% CaO<sub>умум.</sub>, зичлиги 1,36 г/см<sup>3</sup> 11,5% CaO сув ўз ичига олган ва рН 5,9 бўлган пулпа барабанли буғлатиш мосламасида (ББМ) буғлатилди. 1,55-1,65 г/см<sup>3</sup> зичликдаги буғланган эритма барабан грануляторининг (БГК) пневматик форсункаларига ва бир вақтнинг ўзида ёқилғи газлари билан бирга берилди. Ҳаво сарфи 10-12 минг м<sup>3</sup>/с 2,7-3,3 атм. босим остида ва ускунага киришдаги ҳарорат 400-450°C, чиқишдаги ҳарорат 105-115°C, ускунадаги маҳсулот ҳарорати 105-110°C, транспортировка тасмасидаги ҳарорат 25-27°C ни ташкил этади.

Донадор калций селитраси 43 тонна ишлаб чиқарилди. Олинган донадор тайёр маҳсулот қуйидаги сифат кўрсаткичлари билан тавсифланади: CaO га нисбатан калций нитратининг масса улуши 32-33,3%; умумий азотнинг масса улуши 14-15%, аммиакдаги азотнинг масса улуши 0,9-1,05%; сувнинг масса улуши 0,4-0,6%, эримайдиган қолдиқнинг масса улуши 0,5%дан кўп эмас, гранулометрик таркиби: масса улуши 4 мм дан катта; 2 дан 4 мм гача 99%; от 2 до 4 мм 99%; 1 мм дан кам, гранулалар мустаҳкамлиги 8-9 МПа; сочилувчанлиги 100%; қуйма оғирлиги: - зичланмаганда 1,08 т/м, зичланганда 1,15 т/м. Олинган донадор калций нитрат 1 йил сақланганидан кейин ёпишмайди ва 100% сочилувчанликни сақлайди.

Аммиакли селитра энг самарали азотли ўғитлардан биридир. Шу билан бирга, уни ишлатиш сақлаш пайтида унинг қотиб қолиши ва ёнғин ва портлаш хавфининг ошиши билан боғлиқ бир қатор муаммолар билан боғлиқ.

ММ ва БФХ нитрат кислота билан юқори кислота муҳитда парчаланганда, аммонийлангандан сўнг, калций нитрат ва аммоний нитрат эритмалари ҳосил бўлади. Азот миқдори 28% бўлган азотли ўғит олиш учун нитрат кислота миқдорини ошириш керак.

$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2:\text{NH}_4\text{NO}_3$  нисбатининг ўғитдаги азот миқдорига ва ММ нинг нитрат кислота билан парчаланишида нитрат кислотанинг керакли меъёрига таъсири 6-жадвалда келтирилган.

**6-жадвал**

**$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2:\text{NH}_4\text{NO}_3$  нисбатининг аммиак-калцийли ўғит олишда азот миқдорига ва нитрат кислота меъёрига таъсири**

№	$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2:\text{NH}_4\text{NO}_3$	N, %	Нитрат кислота меъёри, %
1	1:1	26,04	175
2	1:1,34	27,33	200
3	1:1,54	27,95	215

Жадвалдан кўришиб турибдики, таркибида 26-28% азот тутган азотли ўғит олиш учун қуйидаги  $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2:\text{NH}_4\text{NO}_3 = (1,34-1,54)$  нисбатни сақлаш ёки 200-215% нормадаги 57%ли нитрат кислота билан ММ ни парчалаш, сўнгра рН 6,5-7 гача аммонийлаш керак.

Олинган ўғит – аммиак-калцийли селитра таркибида азотнинг миқдори жиҳатидан (- 6,2%) аммиакли селитрадан бир оз паст, бироқ ёнғин ва портлаш хусусияти бўйича хавфсизлик жиҳатдан устундир, шунинг учун уни транспортировка қилишда, ундан фойдаланишда қўриқлаш шарт эмас, чунки ўғит таркибида 28 % дан кам азот тутган бўлса, у ҳолда бундай ўғит тез алангаланувчанлик ва портлаш хавфини йўқотади.

Преципитат ўғити таркибида 12,13%  $\text{P}_2\text{O}_5$  ва 17,09%  $\text{CaO}$  тутган майда кристалл кукун ҳолида бўлиб, ундан аммофос, аммофосфат ва монодихлоридфосфат ишлаб чиқаришда экстракцион фосфор кислотани сульфатсизлантириш ва фторсизлантиришда фойдаланиш мумкин.

Фосфоркислотали-гипс пульпасидан сульфатлар ва фторни чўктириш  $\text{SO}_3$  нинг боғланиши ва  $\text{CaF}_2$  ҳосил бўлиши учун преципитат ўғитининг 100-200%  $\text{CaO}$  умумий меъёрида амалга оширилди. Филтрлашдан 30 дақиқа олдин узлуксиз аралаштириб турилган ҳолда преципитат ўғити даги  $\text{CaO}$  нормасига 100-200% и  $\text{SO}_3$ ни боғлаш ва  $\text{CaF}_2$  нинг ҳосил бўлиши учун преципитат ўғитига фосфоркислотали-гипс пульпаси қўшилди. Олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

Ўғит преципитатининг экстракцион пулпага киритилиши олинган фосфор кислотасида  $\text{SO}_3$  ва F ни чўктириш учун экстракция пулпасига ўғит чўкмасининг 100% нормасини киритиш  $\text{P}_2\text{O}_5$  миқдорини 20,15% дан 20,66%

гача оширади. Шу билан бирга,  $\text{SO}_3$  миқдори 2,22% дан 0,57% гача, фтор эса 1,32% дан 0,38% гача камаяди.

7-жадвал

**Преципитат ўғити нормаларига мувофиқ ЭФКнинг кимёвий таркибини ўзгариши**

№	СаО нормаси ПЎ, %	ЭФКнинг кимёвий таркиби, масс. %		
		$\text{P}_2\text{O}_5$	$\text{SO}_3$	F
1	---	20,15	2,22	1,32
2	100	20,66	0,57	0,38
3	120	20,95	0,53	0,35
4	140	21,02	0,50	0,34
5	160	21,09	0,47	0,33
6	180	21,17	0,45	0,32
7	200	21,24	0,44	0,32

Сульфатлар ва фторнинг чўкиши учун ПЎ нормаси 200% СаО га ошганда, кислотадаги  $\text{P}_2\text{O}_5$  миқдори 21,24% ни ташкил қилади ва  $\text{SO}_3$  миқдори 0,44% гача, фтор 0,32% гача камаяди.

Олинган ЭПКни аммофосга қайта ишлаш камида 12,0% азот ва камида 52,0%  $\text{P}_2\text{O}_5$  бўлган юқори сифатли аммофос олиш имконини беради; аммофос ва аммофосфат пулпаларига ПЎ киритиш орқали азот-фосфорли комплекс ўғитларни олиш мумкин; суперфосфатга киритиш орқали композициядан монодикальций фосфат - фосфорнинг секин эрийдиган шакли бўлган ўғитларни олиш мумкин.

Амалга оширилган техник ва иқтисодий ҳисоб-китоблар ММ қайта ишлашнинг юқори рентабеллигини кўрсатади. Завод қийматида 1 тонна минераллашган массани қайта ишлашдан 3076 кг САКЎ ва 204 кг преципитат ўғит ҳосил бўлган. САКЎ ва  $\text{P}_2\text{O}_5$  даги азотни сотишдан олинган соф фойда 1841,025 минг сўм, преципитат ўғит таркибидаги бозор баҳосида 1431,333 минг сўмни ташкил этади. 10 минг тонна ММ қайта ишлашда 14,313 миллион сўм тежалади.

**ХУЛОСА**

1. Илмий тадқиқотлат учун фойдаланилган Марказий Қизилқум фосфоритларини бойитиш чиқиндиси ҳисобланган ММ ва БФХнинг кимёвий таркибини таҳлил қилиш асосида  $\text{P}_2\text{O}_5$ , СаО ва бошқа компонентларнинг таркибидаги ўзгаришлар аниқланди ва ММ ни фракцион кимёвий таҳлили ўтказилди.

2. ММнинг 40% ли нитрат кислота билан 105% ли нормасида ва 40, 50 ва 60°C ҳароратларда парчаланишининг кинетик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ММнинг парчаланиши, БФХ каби, юқори тезликда боради ва амалда 5-10 дақиқа вақтда яқунланади. Реакция тезлиги константаси 313, 323 ва 333 К ҳароратларда мос равишда 0,959001 дан 1,025388 ва 1,374701 гача

ортади. Парчаланиш жараёни биринчи тартибли тенглама бўйича боради ва тезлик константасининг боғлиқлиги Аррениус тенгламасига бўйсунди. Фаолланиш энергияси 4,68 кЖ/мол, БФХ ники каби 4,56 кЖ/мол ни ташкил этади.

3. БФХ ва ММ ни юқори (100-150%) нормада 40% ли нитрат кислота билан парчалаш натижасида олинган нитраткислотали пулпасининг кимёвий таркиби аниқланди ва хосил бўлган азотфосфорнитрат кислотаси пулпаси амалда қатламларга ажралмайди ва филтрланмайди, шунингдек  $P_2O_5$  миқдори кислотанинг 100 ва 150% гача ўзгаришига мос равишда БФХ учун 6,95% дан 4,57% гача ва ММ учун 4,76% дан 3,56% гача ўзгаради.

4. Биринчи марта МК фосфоритларини нитрат кислотаси билан парчалаб олинган маҳсулотларини азотфосфоркислотали пулпани аммиак билан чукур аммонизация қилиш усули билан суюқ ва қаттиқ фазаларга ажратиш мумкинлиги аниқлаган. Натижада олинган калций гидрофосфат дигидрат каби аммоний нитрат филтрация тезлигини оширишга ёрдам беради. Кислотали пулпанинг рН қийматини рН 6,5-7 га ошириш “кўк тасма” филтр қоғозидан фойдаланганда пулпа учун филтрация тезлигини 514 кг/м<sup>2</sup>·соат, филтрат учун 348 кг/м<sup>2</sup>·соат ва куруқ қолдиқни 152 кг/м<sup>2</sup>·соатгача оширади ва саноат филтрли матолардан фойдаланиш пулпа филтрлаш тезлигини 1200-1500 кг/м<sup>2</sup>·соатгача оширади.

5. Биринчи марта шўрланган тупроқлар учун самарали суюқ калций-азотли ўғитлар ва секин таъсир қилувчи фосфорли ўғит - преципитат ўғитини ишлаб чиқариш учун азот кислотаси билан МК фосфоритларини битта технологик циклда қайта ишлаш жараёнини фаоллаштириш имконияти яратилди.

6. САКЎ, преципитат ўғити ва тозаланган кальцийгидрофосфат дигидратини олиш учун БФХ ва ММни нитрат кислота билан қайта ишлашнинг технологик схемаси, материал оқимларининг диаграммаси ва моддий баланси ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган технология “Электрокимзавод” АЖда тажриба шароитида синовдан ўтказилди.

7. Аммонизацияланган нитрат кислотали экстракт маҳсулотларини кейинги қайта ишлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, улардан донатор калций нитрат, ЭФК сульфатларидан тозаланган аммоний калций селитраси, монодикальций фосфат, бойитилган суперфосфат, юқори сифатли аммофос,  $P_2O_5$  ни ўзлаштирувчи миқдори юқори бўлган аммофосфат олиш мумкин.

8. Техник ва иқтисодий ҳисоб-китоблар ММ ва БФХ ни бир технологик циклда икки турдаги ўғитларга қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқилган техник ечимнинг юқори рентабеллигини кўрсатади. 10 минг тонна ММни қайта ишлашдан олинган иқтисодий самара 14,313 миллион сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.11.2021.Т.55.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ЗУЛЯРОВА НИГОРА ШАРАФИДДИНОВНА**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПЕРЕРАБОТКИ НЕОБОГАЩЕННОГО  
СЫРЬЯ И ОТХОДОВ ОБОГАЩЕНИЯ  
ФОСФОРИТОВ ЦЕНТРАЛЬНЫХ КЫЗЫЛКУМОВ НА ЖИДКИЕ И  
ГРАНУЛИРОВАННЫЕ УДОБРЕНИЯ**

**02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ургенч – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2022.1.PhD/T2607

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета в информационно-образовательном портале «Ziyounet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

**Научный руководитель:** **Бобокулова Ойгул Соатовна**  
доктор философии по техническим наукам, доцент

**Официальные оппоненты:** **Султонов Боходир Элбекович**  
доктор технических наук, профессор

**Аташев Элёр Аташевич**  
доктор философии по техническим наукам, доцент

**Ведущая организация:** **Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится « 27 » мая 2024 г. в « » часов на заседании Научного совета PhD. 03/30.11.2021.Г.55.06 по присуждению научных степеней при Ургенчском государственном университете по адресу: 220100, Узбекистан, город Ургенч, ул. Х.Алиджана, 14. Тел.: (998 62) 224-67-00, факс: (99862) 224-66-16, [www.urdu.uz](http://www.urdu.uz), e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского государственного университета (зарегистрирован за № ) 220100, город Ургенч, улица Х.Алиджана, 14. Тел.: (99862) 224-67-00)

Автореферат диссертации разослан « \_ » \_\_\_\_\_ 2024 года.  
(реестр протокола рассылки № от « \_ » \_\_\_\_\_ 2024 г).



**Жуманиязов М.Ж.**  
Член председателя научного совета  
по присуждению ученой степени,  
д.т.н., профессор

**Антова Ш.К.**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени,  
д.ф.т.н. (PhD)

**Курамбаев Ш.Р.**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Население земли превысило 8 млрд. человек и проблема продовольственного обеспечения ещё более обострилась в связи с сокращением пахотных земель, запасов пресной воды и засолением почв. Минеральные удобрения являются основным фактором, обеспечивающим подъём сельского хозяйства. Химическая промышленность Республики обеспечивает потребности агропромышленного комплекса азотными и калийными удобрениями в достаточном количестве, чего нельзя сказать о фосфорсодержащих удобрениях. Потребность Республики в фосфорсодержащих удобрениях удовлетворяется на 30-35% из более чем 800 тыс. тонн  $P_2O_5$  необходимых. Из всех видов производимых в стране минеральных удобрений только простой, обогащённый суперфосфаты и нитрокальцийфосфатные удобрения содержат в своём составе кальций, который относится к макропитательным элементам и способствует снижению засоленности почв. Все это указывает на необходимость наращивать производства фосфорсодержащих и кальцийсодержащих удобрений.

Во всем мире производство фосфорных удобрений базируется на использовании богатого фосфатного сырья. Интенсивная эксплуатация богатых месторождений приводит к их истощению. Поэтому во всем мире идёт поиск путей вовлечения в производство фосфорных удобрений более бедного, доступного сырья, каким являются фосфориты Центральных Кызылкумов.

Фосфориты Центральных Кызылкумов характеризуются низким содержанием фосфора (16,2%  $P_2O_5$ ) и высоким кальциевым модулем (2,85-3,50). Кроме того, при обогащении такого сырья образуются отходы обогащения - минерализованная масса (ММ) и др., которые не перерабатываются и складываются. На Кызылкумском фосфоритном комбинате скопилось более 14 млн. тонн ММ со средним содержанием 13,75%  $P_2O_5$ . Это составляет примерно 1,56-1,82 тыс. т  $P_2O_5$ . Это почти двухлетняя потребность страны в фосфорсодержащих удобрениях. Кроме того, добываемая руда в виде фосмуки также практически не используется без предварительного обогащения. Азотнокислотное разложение является наиболее эффективным способом переработки фосфатного сырья по сравнению с другими кислотами. Для вовлечения НФС и ММ в промышленное производство необходимо обосновать ряд научных решений, в том числе по следующим направлениям: разработка эффективного способа разделения жидкой и твёрдой фаз продуктов разложения НФС и ММ азотной кислотой, влияния степени аммонизации на поведение компонентов азотнокислотной вытяжки, разработка экономически эффективной, безотходной технологии переработки НФС и ММ, разработка технологии переработки жидкой и твёрдой фаз продуктов

разложения НФС и ММ на различные виды жидких и твёрдых видов удобрений.

В Республике, в результате реализации конкретных широкомасштабных мер, достигнуты высокие результаты научных исследований по развитию технологии переработки фосфоритов Центральных Кызылкумов и обеспечению агропромышленного комплекса фосфорсодержащими удобрениями. В третьем направлении новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы в качестве важных задач определено «...продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и увеличение объёма промышленного производства в 1,4 раза...»<sup>2</sup>. В этом аспекте важное значение имеет разработка рациональной, экономически эффективной технологии переработки НФС и ММ с получением различных видов жидких и гранулированных азотных и фосфорных удобрений.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», № ПП-4937 от 28 декабря 2020 года «О мерах по реализации инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2021-2023 годы», № ПП-4992 от 13 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

